

АЮБХОН МУҲАММАДИЙ

ИЗИМ ҚОЛГАН ЙЎЛЛАРИМ

Шеърлар
Ғазаллар
Ривоятлар
Эртак ва эртак достон
Эсселар
Масаллар
Тўртликлар
Учликлар
Чистонлар
Қайдлар

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

М-96

Муҳаммадий, Аюбхон

Изим қолган йўлларим: шеърлар, ғазаллар, ривоятлар...
/ А.Муҳаммадий. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - 200 б.

ISBN 978-9943-27-025-1

Аюбхон Муҳаммадий серқирра ижодкор. У турли жанр им-
кониятларидан унумли фойдаланиб, ўзига хос, мушоҳадага бой,
халқона, самимий асарлар яратади.

Ушбу китобдан жой олган асарлар ўзининг маъно-моҳияти
билан Сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-025-1

© А.Муҳаммадий. «Изим қолган йўлларим», «Янги аср
авлоди», 2013 йил.

“ҚАЛБ ҚҰРИДАН РАНГ ОЛАР ОЛАМ”

Шоир Аюбхон Муҳаммадий битикларида доимо кузатув ҳамда мушоҳада уйғунликда намоён бўлади.

Кузатув ўзиники.

Мушоҳада ўзиники.

Ҳар икки жиҳат муқояса асносида таркиблашади, яъни кузатувнинг тарзи қалбнинг мушоҳадаси бора-сида, қалбнинг мушоҳадаси кузатувнинг тарзи хусусида табиий ва самимий йўсинда сўзнинг моҳият ҳосиласига айланади.

*Борлиқ турар офтобга интиқ,
Интиқ турар офтобга борлиқ.*

Шоирнинг бундай кузатуви, шунчаки кўрув имдо-дида шоён бўлаётган таассуротгина эмас, айти пайт-да, қалбнинг ботинига ҳам нурафшонлик, ҳам ҳаро-рат, янаям муҳими, чинакам соғинч бахшида этаёт-ган иқрордир.

Аюбхон Муҳаммадий битикларида яна бир сир бор-ки, шоир туғилган жойи, вояга етган маскани, эл, юрт, қардошлик сифатларини сўзнинг жуғрофий манзараси имконида ифодалайди. Бу, табиийки, сўз қурба-тини кенгайтириб, рангларини сувратлантириб, чиз-гиларини узайтиради.

*Ирмоқмиз, қўшилиб дарё бўламиз,
Дарё харитага тушиши аниқ, –*

дейди шоир ҳам таассурот, ҳам тасаввур боғичлари-ни қалбидан ўтказиб.

Аюбхон Муҳаммадий битикларини ўқиганимда, канглумдан литвалик машҳур шоир Юстинас Марцин-кявичюснинг бир ибораси ўтди. У ёзувлари тўғрисида шундай деган: “Шеърят мен учун доим туғилган жо-йим, унинг ўтмиши, бугуни, унинг шовуллаётган ўрмо-

ни, уни юваётган дарёлари ҳамда кўллари, унда сайраётган қушлар, унда яшаётган одамлар, уларнинг меҳри ва қаҳри, уларнинг армони ва умиди, уларнинг борлигини ҳис этаётган олам ва ўзлари”.

Буни қайд этаётганимнинг боиси, Аюбхон Муҳаммадий қайсидир жиҳатдан шунга эктивор келтираётгандай, яъни сўзини юқорида айтганимдек, туғилган жойи ҳамда қалбига монанду пайваста қилиб битади. Шунинг учун ҳам шоирнинг:

Қалб қўридан ранг олар олам, –

дейиши бежиз эмас-да. Бу унинг қалбига мурожаатига эмас, қалбининг тубида чинакам томир ёйган тасавури. Қалб кенг экан, тасаввур кенг бўлаверади. Сўз Аюбхон Муҳаммадийнинг “қалб қўридан ранг” ланиб, қалбида ўсаверсин.

Икром ОТАМУРОД

ИНСОН ҚАЛБИ

Инсон қалби чексиз бир дунё,
Уммонлар кўл унинг олдида.
Қучоғида тенгсиз бир зиё,
Қитъалар чўл унинг олдида.

Қалбнинг акси – дунё, аслида,
Қалб қўридан ранг олар олам.
Шу туфайли инсон наздида,
Қалби борлар аталар одам.

ТАЪЛИМОТ

Абдухолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллигига

Хожагон, нур ёғилар жойингиздан,
Қадамлар аримайди пойингиздан.
Дил розимни айтсам, камтар халқим бор,
Пеш қилиб мақтанмас обрўйингиздан.

Ҳаёт давом этар, тўхтамас ҳаёт,
Барҳаёт келмоқда Сизнинг таълимот:
“Дилинг Оллоҳда бўлсин, қўлинг ишда”,
Шогирдингиз Нақшбандийга ҳасанот.

Пири муршидим деб атадим Сизни,
Тутиб бормоқдаман этагингизни.
Тангрим бошқарди менга завжаликка,
Сиздан тўрт одимда туғилган қизни.

ОНА БОРКИ...

Онам хотирасига

Она борки, қўз юмганда
Сўзсиз, бола йиғлайди.

Она борки, қўз юмганда
Амма, хола йиғлайди.

Она борки, қўз юмганда
Ҳаммаҳалла йиғлайди.

Она борки, қўз юмганда
Зоти одам йиғлайди.

Она борки, қўз юмганда
Бутун олам йиғлайди.

Шундай кенг дунё дунёга
Наҳот она сифмайди?

ҲАРАКАТ ҚИЛ

Сендан ҳаракату мендан баракот,
Бежиз айтилмаган Олоҳнинг сўзи.
Ҳаракат қил, ҳаракат қил, ҳаракат,
Баракотни берган, беради ўзи.

Ётган тош остидан сув оқмас ахир,
Қимирлаган қирдан ошган азалдан.
Пешона терининг таъмидир тахир,
Тузсиз таом дарак берар касалдан.

Меҳнатнинг тагини роҳат дейдилар,
Оғзи тегар экан қўли текканнинг.
Ота - бобосига раҳмат дейдилар,
Мевасин еганлар дарахт экканнинг.

Ҳаракат қил, ҳаракат қил, ҳаракат!!!

* * *

Генерал Отамурод Муҳаммадиевга

Қуёш меҳри тафтида,
Қалби чексиз бир орол.
Сафдошлари сафида
Отамурод генерал.

Ўзбекона ориятни
Мағрур тутган генерал.
Гдяну Ивановни
Мағлуб этган генерал.

Ҳаёт синовларига
Бардошлари генерал.
Мустақил юртга эга
Издошлари генерал.

* * *

Тонгни чиқдим қаршилаб,
Бўса берди таъриф етмас.
Тамшаниб қўяди лаб,
О! Бўса таъми кетмас.

У бир тонг, минг бир шифо,
Шифо бўлди бўсаси ҳам.
Табиблар, ҳатто Сино
Топмаган бундай малҳам.

* * *

Мени кут тоқат билан,
Ҳузурингга бораман.
Овундим роҳат билан,
Шундай юзи қораман.

Сендан келди хабарлар,
Ой чиқди сўроқ бўлиб.
Қуёш кун санар, ранглар
Камалак белбоғ бўлиб.

Барча, барча, барчаси
Чорлашар улуғ йўлга.
Каслар билмас эртасин,
Талашар тоғу чўлга.

Мен учун қутлуғ билгин,
Дийдорингга етган дам.
Озгина сабр қилгин,
Яқинлашмоқда қадам.

СЎНГГИ ДАЪВО

Бир шоир рафиқасининг жанозасидаги гаплар

Шоир ота ҳовлиси
Андозадай ўзидан.
Кетмоқда рафиқаси
Уйни ташлаб изидан.

Кимлар тобут тузарди,
Атроф қайғуга ботган.
Сукунатни бузарди
Унда-бунда сўз қотган.

– Марҳума камтар эди,
Лек қўшнидан бермади.
Шу қўшни иморати
Деб, қуёшни кўрмади.
Баччағар ҳам бинони
Бироз пастроқ кўрмади.
Қарғишга қолди, мана
Ўтирибди турмада.
Ҳурмат қолмади, дея
Зорланди бир ҳамсоя.

Қайси бири тўйдаги
Ҳимматини пеш қилди.
Луқмонга ўйдаги
Ҳикматини эш қилди.

Марҳума чиқиб ёддан
Суҳбат этарди давом.
Майитни олиб кетган,
Касларга сўнгги даъвом.

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМА

Бир оғиз “бўл” деган сўзингдан
Етти қават осмон ва замин
Яралган тўкис олти кунда.
Йўқдан бор бўлган ҳамда таъмин,
Бир оғиз “бўл” деган сўзингдан.

Измингдадир бутун коинот,
Омонат руҳ бердинг танимга.
Қушларга-чи учмоққа қанот.
Бўйинсунган барча изминга,
Измингдадир бутун коинот.

Онг билан яратдинг инсонни,
Меҳрибонлар меҳрибонроғи.
Дилга солдинг ихлос, иймонни.
Ҳамду санонинг йўқдир адоғи,
Онг билан яратдинг инсонни.

Ўзингдан қўймагин, ўзингдан,
Улуғ арш соҳиби, ё Ҳожам,
Нақадар кўргувчи кўзингдан!
Ўзингга суяндим, илтижом,
Ўзингдан қўймагин, ўзингдан.

* * *

Қаршимда
 турар ўрмон,
Аршимга
 сиғар ўрмон.
Қуча олмай у мени,
Кўнглига
 тугар армон.

Ўрмон
 гўё
 тузоқда,
Ўрнидан
 кўча олмас.
Ўзим бормасам, ҳа-да,
У мени
 қуча олмас.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2214> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2214> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2214>